



MILLIY TIKLANISH

46 (159) ● 2011 йил 23 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz ● 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбек туризми истиқболлари

Мазкур тадбир миллий маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан халқимиз манфаатлари йўлида самарали фойдаланишни ташкил этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган миллий туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини муҳокама этиш ва ҳамкорликда истиқболдаги режаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.



"Bazar-Art"

Шойи, ипак, атлас, адрас, парча ва бекасам сингари анъанавий ўзбек матоларидан тикилган миллий либослар, кулолчилик, заргарлик зеб-зийнатлари, нақшинкор гиламлар, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ва расомлик намуналари томошабин кўзини қувонтиради. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафардан ортиқ устасунараманд йилда икки мартаба энг сара асарларини айнан шу ерга олиб келадилар. Улар "Bazar-Art"нинг доимий иштирокчиси.



Ёш авлод камолоти йўлида

Бугунги кунда Самарқанд туманида 209 та спорт иншоотлари ва 48 та спорт заллари 9625 нафар болалар ва ўсмирлар учун мунтазам хизмат қилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қуриб, фойдаланишга топширилган спорт иншоотларида ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Янги иш ўринлари ташкил этиш

МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, ҳуқуқшунос ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда фракция аъзолари "2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури" лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мазкур Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган бўлиб, унинг мақсади аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш асосида минтақалар (шаҳарлар, ту-

манлар) ва иқтисодий тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишдан иборат. Фракция йиғилишида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан шу йилнинг 21 январидан республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган қарорлар

2-бет

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Кучли фуқаролик жамияти

УНИ БАРПО ЭТИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ МУҲИМ РОЛЬ УЙНАЙДИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Сийёсий партия фракцияларининг қонуни ҳоддорлиги жараёнидаги ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечишдаги ролини янада ошириш" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.



3-бет

ХАБАРЛАР

Ҳакамлик судьялари ўқуви

Ҳакамлик судлари академиясида ҳакамлик судьялигига номзодларни қайта тайёрлашга қаратилган махсус ўқув курси ташкил қилинди.

Фридрих Эберт жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда Германиялик ҳуқуқшунос олимлар, Гамбург арбитраж суди раиси Герд Веллинг ҳамда академия тингловчилари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Тадбирда тингловчилар ҳакамлик судлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳакамлик судларини тузиш ва уларнинг ваколати, ҳакамлик судлари томонидан қарор қабул қилиш ва мазкур қарорларни бажарилишини таъминлаш, уларнинг устидан шикоят қилиш ва соҳага доир бошқа масалалар бўйича назарий ва амалий билимларини янада бойитишди.

Амалиёт, тажриба ва таҳлил

Турин политехника университетида "Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг моҳияти ва унда бошланғич ташкилотларнинг ўрни" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда олий ўқув юртлири ва пойтахтимиз туманларида фаолият юритаётган кўмитанин бошланғич ташкилотлари мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, "Зулфия" номидаги давлат мукофоти совриндорлари, журналистлар иштирок этди. Шунингдек, семинарда ёш хотин-қизларнинг оилага муносабати, ўзаро муомала ва кийиниш маданияти борасидаги камчиликлари, баъзи оилалардаги келишмовчиликлар, қариндош-уруғчилик асосида қурилган ва тиббий кўриқдан ўтмаган ёшларнинг никоҳдан кейинги можаролари каби мавзулар ҳам кўтарилди.

Халқаро кўргазма

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзғрозэкс-2011" халқаро агросаноат кўргазмаси ўтказилди.

Унда Беларуссия, Италия, Украина, Корея, Қозоғистон, Россия, Франция, Германия, Хитой каби ўндан зиёда ривожланган давлатлардан 60 га яқин компаниялар иштирок этди. Мазкур кўргазма мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасини тараққий эттириш, қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва маҳаллий бозорда халқимизнинг ўзи етиштирган маҳсулотларни кўпайтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Маҳаллий ва чет эл корхоналари кўргазма меҳмонларига экологик тоза ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тақлиф этишди.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТ



Музей халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Ислам КАРИМОВ

Халқ тарихининг кўзгуси

Маданиятимиз, миллатимизнинг ўтмиш хотираларини ўзида мужассам этган буюмларни сақлаш, уларни кейинги авлодга етказишда музейларнинг ўрни алоҳида муҳим. Юртимиз мустақилликка эришгач, музейларда халқимиз тарихи, маданияти, санъати ва қадриятлари холисона акс эттирила бошланди. Бу каби масканларни, ҳеч шубҳасиз, маданий ва маънавий тарбия берувчи маърифат ўчоғи, дейиш мумкин. Ўзбекистон тарихи давлат музейи шу маънода алоҳида ўрин тутади.

МОЗИЙДАН САДО

"Мен бу масканда ажойиб экспонатларни ўз кўзим билан кўрдим. Улар ўзбек халқининг буюк тарихидан сўзлайди..."
Осмунд Бопераччи (Париж, Сорбон университети профессори)

Салкам 1 асрдан буён фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон тарихи давлат музейи мамлакатимизнинг йирик илмий тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан бири ҳисобланади. Музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги давриддан бугунгача бўлган улкан тарихидан ҳикоя қилади.

8-бет

НИГОҲ

Маънавият ва маърифат

УНИНГ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ МАТБААЧИЛИГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Матбуот ва матбаачиликни, ноширликни таъриф жониз бўлса, муштарак, эгизак соҳа дейиш мумкин. Матбаачиликнинг асосий маҳсулот турларидан бири китобдир. Китоб инсоният шу пайтгача яратган энг зўр ўн кашфиётдан бири сифатида дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Айни пайтда у инсон фикри, ақл-заковати, ҳис-туйғуларини ёзув шаклида бошқаларга етказувчи, инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи восита сифатида ҳам қадрланади.

Бугунги кунда республикамизда маънавий юксалишга катта таъсир кўрсатувчи китоб ҳамда даврий нашрларнинг тайёрлашдек масъулиятли фаолият билан шугулланётган нашриётлар кўп. «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси улар орасида энг етакчиларидан бири саналади. Компания Бош директори Омонулла ЮНУСОВ билан қилган суҳбатимиз маънавият, матбаа ва матбуот ҳақида бўлди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

● МУЛОҚОТ

Тарғибот — беқиёс куч

ЛЕКИН УНДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНАЯПМИЗМИ?

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўналишида қабул қилинаётган қатор қонун ва улар ижроси юзасидан амалга оширилаётган улкан ишлар дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу эса юртимиздаги ҳар бир фуқаро, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига янада катта масъулият ва вазифалар юклайди. ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Тоҳир УСМОНОВ билан суҳбатимиз ана шундай залворли мақсад ва вазифалар тўғрисида бўлди.



ланган Фанижон Жумаев ўз сайлов округидан туман маркази-гача ҳамда "Пешку-Бухоро", "Пешку-Ғиждувон" йўналишларида транспорт қатновини йўлга қўйишда бош-қош бўлди. Шунингдек, анчадан буён аҳоли қатновига ноқулайлик туғдираётган 0,65 км. ички хўжалик йўлини таъмирлашга мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатди.

Шофиркон туманидаги 40-Жўйнав сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Ботир Солиев эса худуддаги 0,4 км. масофага тоза ичимлик суви келтиришга, Жўйнав ҚФЙдаги 9-сон ўрта умумтаълим мактаби томи ва спорт залини таъмирлашга мутасадди идораларга яқиндан кўмак берди. Шунингдек, вилоят Кенгашидаги депутатларимиз ўзлари сайланган округда депутатлик ҳонасини ташкил этиб, унда аҳоли томонидан кўтарилган масалаларни муҳокама қилиш, фуқароларнинг мунозараларини қабул қилиш ишларини йўлга қўйганликлари яхши самара бераяпти. Улар жойларда қонунларнинг ҳокимият органлари ва мутасадди ташкилотлар томонидан бажарилиши, яъни ижро назоратига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— **ЎЗМТДПда ўз фаолиятини доимо танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланди. Шу нуктага назардан ЎЗМТДП вилоят Кенгаши фаолиятига ҳам бир назар ташласак фойдадан холи бўлмасди...**

— Дарҳақиқат, ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгашининг ўтган тўққиз ой мобайнидаги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, талай камчилик ва муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Агар тadbирлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввало уларнинг сифатига эътибор қаратишимиз зарур. Зеро, ўтказилган тadbирларнинг барчаси ҳам қатнашчилар ёдидан қоляпти, дейиш қийин. Аввало, тadbир мавзусига партия ходими ёки мутахассис олдиндан пухта ва мукамал тайёргарлик кўрмаса, унга ёрқин далиллар ҳамда ҳаётбахш руҳ бағишламаса, қоғоздаги қуруқ маърузани ўқиб бериш билан қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Айтмоқчимизки, тadbирлардан ҳарорат, ҳаракат ва ташаббускорлик руҳи сезилиб турмоғи лозим. Бундан буён эътиборимизни ана шундай жонли ва кўтаринки руҳдаги тadbирлар ўтказишга қаратамиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП Ромитан, Қорақўл, Олот, Қоровулбозор, Шофиркон, Когон шаҳар ва Когон туман Кенгашлари ўз фаолиятларини жонлантиришлари зарур. Сусткашликка йўл қўйган учун бир қатор туман Кенгаши раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди.

— **Сухбатдош, Маннон ОТАБОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш, худудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш бўйича чора-тadbирларнинг амалга оширилиши, "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ва бажарилиши иқтисодийнинг мувозаанатли ва барқарор ривожланишини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминламоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил иккинчи ярим йиллиги учун иш режасига мувофиқ Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилган, дейди Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Б.Алимухамедов.

— Дастур 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, яратиладиган иш ўринларини молиялаштириш манбалари ва ҳисобга олиш механизмларининг асосий параметрлари ва йўналишларини ўз ичига олади. Келгуси йилда иш жойларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридagi ишчи кучига бўлган талаб ва тақлиф балансига, жумладан, демографик ҳолат, миграцион жараёнлар, иқтисодийдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат,



Янги иш ўринлари ташкил этиш

МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

инфратузилма, инвестицион, монетар ва фискал сиёсат чора-тadbирлари таъсири каби ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тенденциялари таҳлили асосида белгиланган. Иқтисодий ҳамада Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг демографик ривожланишнинг прогноз маълумотларига кўра, 2012 йилнинг бошида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 18,1 млн. кишидан ўзгартиришлар, саноат,

аҳолисининг 62 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон бўйича меҳнат ресурсларининг ўсиши 2012 йилда 2,5 фоизни ташкил этади. Фракция аъзолари ушбу дастурни муҳокама этиш жараёнида асосий эътиборни партия электорати манфаатларини рўйга чиқаришга қаратишди. Яъни, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, хусусан,

миллий хунармандчиликнинг барча турлари, сервис соҳаси ва туризм бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ экани депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди. Айниқса, касаначиликни янада ривожлантириш, қишлоқ жойларида фуқароларнинг ишга жойлаштиришга жалб этиш орқали турмуш фаровонлигини янада яхшилашга кўмаклашиш партиянинг дастурий мақсадларидан биридир.

Сўз олган фракция аъзолари бизнес соҳасида жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек, тadbиркорликнинг аъъанавий маданиятини тиклаш борасидаги масалалар юзасидан амалий тақлифларини билдиришди. Бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг депутатлар "2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури" лойиҳасини маъқуллади ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири



● ЎҚУВ-СЕМИНАР

Кадрлар малакаси

УНИ ИЗЧИЛ ОШИРИБ БОРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

сани вужудга келтириш, партия мафқураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборат, - деди ўқув-семинарнинг очар экан ЎЗМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев.

Ўқув аввалида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобида илгари сурилган ғоя-мақсадлар, тарихий жараёнлар ҳақида маъруза ҳавола этилди.

— Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, ғоят оғир таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбарлиги сифатида иш бошлаган Ислам Каримовнинг республикамизни чуқур инқироздан олиб чиқариш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон



қилиш, умумхалқ сайловида ғойиб қилиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишига бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади, - деди ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Б.Ҳасанов.

Ўқув-семинарда ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, сиёсатшунос, тарихчи, ҳуқуқшунос, иқтисодчи олимлар, экспертлар ва социологлар ранг-баранг маърузаларда маърузалар ўқишди. Ўқув курси машғулотлари бир ҳафтага мўлжалланган бўлиб, унинг дастлабки битирувчиларига сертификат топширилди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Кучли фуқаролик жамияти

УНИ БАРПО ЭТИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Республика Иқтисодиёт, Молия, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти экспертлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан ўтган йил 12 ноябрда парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ва роли ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳудудларни аниқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган фаолияти йўналишларини таҳлил этиш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда маърузачилар асосий эътиборни сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил ишлари бўйича Дастур ижроси жараёнидаги иштироки ва келгусидаги мақсад ва вазифаларга қаратдилар. Илмий-амалий семинарда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишлаб дастурини амалга оширишдаги иштироки тўғрисида ахборот берилди.

Семинарда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли так-

лиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Ойниса ОЧИЛОВА, ЎзМТДП Кашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:



— Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган Концепциясидаги устувор вазифалар жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва биз партия фаоллари зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Амалий ишларни янада кучайтириш, маҳаллий Кенгаш сессияларида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари, электрорат манфаатларидан келиб чиқиб ташаббус ва тақлифларни дадил илгари суриш зарур. Ҳудудий инфратузилмадан келиб чиққан ҳолда уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун авваламбор табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, хизмат кўрсатиш, сервис, миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаймиз. Жумладан, янги мини технолологиялардан фойдаланиш, экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит линияларидан фойдаланиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш орқали аҳолини, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларини вилоят, туман ва шаҳар сессияларига олиб чи-

қаяймиз. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари партия сайловолди Платформаси, дастурий мақсад-вазифалар ва электрорат манфаатлари юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбир, ўқув-семинар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Шу нуктаи назардан мазкур амалий-семинар фаолиятимизни янада жонлантириш, ўрганган билимларимизни жойларда кенг тарғиб қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бобур ЗИЁЕВ, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати, депутатлик гуруҳи раҳбари:



— Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича кенг қуламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислохотлар изчиллигини таъминлашда юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз улушини қўшишга интиломоқда. Жумладан, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ўзаро ҳамкорликда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини, айниқса, ёшларни миллий кадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида жойларда миллий хунармандчилик, каштачилик,



зардўзлик ва чеварлик каби ўқув курсларини ташкил қилмоқдалар. Ўқув-курсларини таъминлаган ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, халқ депутатлари Андижон вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан ёшларнинг сиёсий онгини янада ошириш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини сингдиришга кўмаклашиш мақсадида "Миллий фильмларимиз миллийликдан дарак берсин" мавзусида кўчма кинолар ташкил қилиниб, вилоятнинг барча туман ва олис қишлоқларига кириб боришга ҳаракат қилинмоқда.

Ўз фаолиятимизни доимий танқидий таҳлил қилиш, хато ва камчиликлардан зарур ҳулосалар чиқариш фаолият мезони бўлиб бормоқда ва бугунги тадбир ҳам ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Рустам РАШИДОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мафқуравий масалалар бўлими бошлиғи:



— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларини амалга оширишда, улар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, "Вилоятни ижтимоий — иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиш-

лари ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш" дастури, "Туманларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий йўналишлари" каби ишчи дастурлар ана шулар жумласидандир. Мазкур режа ва дастурларни тегишли тартибда амалга оширилиши ва ижросининг таъминлишида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси-нинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Айни пайтда ЎзМТДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида жами 950 нафарга яқин депутат бор. Уларнинг 149 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутати бўлса, 800 нафардан ортиғи туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидир. ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан "Вилоятни ижтимоий иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш" ва "Туманларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий йўналишлари" дастури-нинг бажарилиши бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти натижалари таҳлил қилинганда — бирмунча ишлар қилинганлиги маълум бўлади. Жумладан, депутатлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий маҳсулотлар кўргазмаларини ташкил этиш, депутат сўровномаси ва депутатлик назоратларини мунтазам ўтказиш келмоқдалар.

Мазкур тадбир депутатлар фаолиятини танқидий-таҳлил этиш ҳамда келгуси фаолиятимиз билан бевосита боғлиқ бўлган, мақсадли режа, тақлиф-мулоҳазалар билдириш, жойлардаги муаммо ва камчиликларни ўрганишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ТАДБИР

Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий анъана ва кадриятларимизни давом эттиришда, айниқса, ёш авлоднинг маънавий олами юксалтиришда адабиёт муҳим ўрин тутди.
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Олмасор туман Кенгаши, "Муҳаммад Юсуф" фонди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида "Миллатни юксак тарбия асрайди, улуғлайди!" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати ёшларимизнинг фаолиги, хусусан, адабиётга бўлган ихлоси баланд эканини кўрсатди.

"Миллатни юксак тарбия асрайди, улуғлайди!"

МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Миллий ва Тошкент Давлат техника университетлари талабалари, ёш санъаткорлар, ижодкор ёшлар иштирок этган давра суҳбатини кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Олмасор туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Мансур Юнусов "Ёшлар ижодида маънавий тарбия қўлами" мавзусида чиқиш қилиб, ижодкор ёшларнинг ўз устида тинмай ишлашлари, маънавиятни шакллантирадиган, унга таъсир ўтказадиган омил ва мезонлар, "Устоз-шогирд" анъаналари ҳақида гапирди.

"Муҳаммад Юсуф" фонди директори Назира ас-Салом "Муҳаммад Юсуф ижодининг ёшлар тарбиясида тугган ўрни" маърузасида фонд тўрагаги фаолияти, унинг ёшлар ҳаётидаги ўрни, шунингдек, юртимизда замон талаблари асосида маънавиятимизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ёш ижодкорлар учун яратилган имкониятлар, миллий кадриятларимиз, она юрт муҳаббати, бугунги адабиёт ҳақида атрофлича фикр юритди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Маъсума Аҳмедова эса Тоғай Мурод асарларидаги асосий мавзулар, уларнинг аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Нотик ёзувчи асарларини ёшлар ҳаёти билан боғлаб таҳлил

қилар экан, унинг ижодидан ибратли лавҳалар келтирди. Шунингдек, ёшлар томонидан берилган саволлар асосида шеърятдаги модернализм, адабиётдаги таржима масалаларига ҳам тўхтади.

Давра суҳбати давомида ёш ижодкорлар билан ёш авлоднинг маънавий олами юксалтиришда адабиётнинг тутган ўрни, мамлакатимизда яратилаётган ижодий муҳит йўналишида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тадбирда ёш шоирлар ижодидан намуналар ҳам тинланди.

— Менинг ўзбек ва жаҳон адабиётига, шеърятга қизиқишим мактабда, сўнгра коллежда ўқиб юрган вақтларимдаёқ бошланган эди, дейди ЎЗМУ талабаси Наргиза Чўлпиева. — Тарих фани ва бадиий адабиёт, шеърят инсонни тарбиялайди, ўзлимизни англашга ёрдам беради, чунки уларнинг марказида инсон ва унинг ҳаёти туради. Тадбирда "Устоз-шогирд" учрашуви, устозларнинг адабиётимиз ҳақидаги фикрлари, ибратли лавҳалар, ижодкор ёшларнинг чиқишлари менда катта таассурот қолдирди. Ижодга бўлган қизиқишимни янада ортттирди. Ёш ижодкорларнинг кейинги тўпламида шеърларим билан қатнашмоқчиман.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

● ДАВРА СУҲБАТИ

Мустақилликнинг илк кунларидан юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби миллий туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Соҳа тараққиёти йўлида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасидаги устувор вазифалардан бири саналади. Бу борада партия қатор тадбир ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш: ҳолати ва истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раҳбарлари, мутасадди идоралар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқбол йилларида Ўзбекистонда туризм жадаллик билан ривожланиб бормоқда, дейди ЎзМТДПнинг Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев. — Мазкур тадбир миллий маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан халқимиз манфаатлари йўлида самарали фойдаланишни ташкил этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган миллий туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини муҳокама этиш ва ҳамкорликда истиқболдаги режаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди. Зеро, бу масала "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Дастури ва сайловолди Платформасида белгилаб олинган вазифаларни рўйбга чиқариш билан узвий боғлиқдир.

Анжуманда Ўзбекистонда туризмни ва туристик хизматларни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, туризм-

Ўзбек туризми истиқболлари

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ МУҲОКАМАСИДА


ни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда миллий маданий мерос объектларининг аҳамияти, бунда хориз тажрибасининг тутган ўрни ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда "Ўзбекистонда туризм ва туристик хизматларни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари" мавзусида маъруза қилган "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Р.Мирзаев жорий йилнинг 11 октябрь кунини Жанубий Кореяга бўлиб ўтган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО)нинг навбатдаги 19-сессиясида Ўзбекистон Европа минтақасининг асосий ағдари ИТАИ, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Австрия, Голландия, Венгрия, Малайзия ва Сингапур каби давлатлардан 214 та янги туристик компания жалб этилган.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳукуватимиз томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 2011-2012 йилларга мўлжал-

ланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Давра суҳбатида давлат тизими, амалиётчи ва туристик ташкилотлар олдига турган муҳим вазифалар — ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқ-хоналарнинг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни жон-



ланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Давра суҳбатида давлат тизими, амалиётчи ва туристик ташкилотлар олдига турган муҳим вазифалар — ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқ-хоналарнинг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни жон-

лантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда маънофатли ишларни амалга ошириш бўйича амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган мақсадларни амалга ошириш учун туризм соҳасига хусусий сармоя ва инвестиция маблағларини жалб этишга, қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик механизмининг такомиллаштириш борасида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фракцияси манфаатдор идоралар билан

ҳамкорликда фаолият олиб бориш мақсадида мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати якунида "Миллий тикланиш" демократик партияси, унинг парламентдаги фракцияси ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларида ҳамкорликда фаолият олиб бориш бўйича ўзаро келишиб олдлар.

Ўз мухбиримиз

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● НИГОХ

Маънавият ва маърифат

УНИНГ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ МАТБААЧИЛИГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси юртимиздаги ёши улуг, катта тажриба ва ўзига хос анъаналарга эга нашриёт ҳисобланади. Шу ўринда унинг тарихига назар ташласак...

— «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси нафақат ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида йирик нашриётчилик ва матбаачилик маркази саналган. Бунинг, албатта, бир қанча тарихий, сиёсий, ижтимоий сабаб ҳамда омиллари мавжуд.

Биласиз Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимиз силсиласида Тошкент ҳам хаттотлик ва китобат маркази бўлган. Тошкент кўлбоз китоб ва моҳир хаттотлари билан мусулмон оламидан ташқарида ҳам танилган эди.

Тўнғич матбаа корхонаси ҳисобланадиган ҳозирги «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси қарий 90 йиллик тарихга эга бўлса-да, фақат истиқлол йиллари йирик ва кўп тармоқли замонавий корхона сифатида шаклланди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов Фармони билан корхона мақоми ўзгартирилди, ишлаб чиқариш ва технологик базаси такомиллаштирилди. Моддий, иқтисодий жиҳатдан яхшироқ бўлди. Етук кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шундай бўлса-да, энг замонавий матбаачилик воситаларини ўзлаштириш борасида, халқаро стандартлар даражасида матбаа маҳсулотларини тайёрлаш, юқори малакали кадрлар жалб этиш ишлари такомиллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

— **Айтиш жоизки, Мустақиллик даврига келиб компания фаолияти тубдан янгиланди, фаолият доираси кенгайди ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.**



— «SHARQ» нафақат газета ва журнал, балки бошқа босма маҳсулотлар матбаачисига айланди. Айниқса, турли китоблар чоп этила бошлангани корхона тарихидаги катта янгиллик, туб бурилиш бўлди.

Айни чоғда китоб ноширчилиги ҳам қисқа муддат ичида бир неча босқични босиб ўтди. Бадий китоблар сафига альбомлар, кейинчалик эса дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам қўшилди. Шу ўринда компаниямизнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Йил охирига 19 млрд. сўм миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ниятидамиз. Ҳозирда компания бир йилда 80 дан ортиқ газета-журнални 70 млн. нусхада чоп этмоқда. Республикаимиз марказий газета-журналларининг асосий қисми, жумладан, бу йил 7,5 млн. нусхада бадий китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳам нашрдан чиқади.

Мустақиллик даврининг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, матбаачилик ва ноширликнинг барча жараёнлари компьютер-

лаштирилди, замонавий технологиялар жорий этилди. Катта цех ва машиналар ўрнини ихчам ва чаққон «инфратузилма» эгаллади. Бўшаб қолган ишлаб чиқариш майдончалари қўшимча даромад манбаига айланди.

Яна бир муҳим жиҳати, компания матбаачилик базаси энг замонавий компьютер тизимларидан ташқари, плёнкасиз, тўғридан-тўғри қолип тайёрлаш технологияси бўйича «Agfa avalor CTP» ускунаси билан бойитилди. Бундан ташқари, «Стар-30», «Ориент-супер», «Рапида» ва «Спидмастер» рангли босма машиналари келтирилди. 2011 йилда ҳукуматимиз томонидан ички бозорни ёзув қоғозлари билан таъмин-

Матбаа-ноширчилик соҳасининг барча тегишли йўналишлари бўйича малакали мутахассислар, ходимлар, ишчи-хизматчилар мунтазам равишда ўз тажрибаларини ошириб келади. Соҳага ёш кадрларни жалб этиш мақсадида Тошкент тўқимачилик институти, Тошкент матбаа-ноширчилик касб-хунар коллежи ва Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу соҳада таълим олаётган ёшлар ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, иш ўргангани, мутахассислиги бўйича ишга таклиф этилади.

Бундан ташқари, Бўстонлик ва Қибрай туманларида йирик болалар оромгоҳи ва кўркам



лаш борасидаги қарори бўйича «Vatan makina FS1250» моделидаги замонавий қоғоз кесиш дастгоҳи ишга туширилди.

— «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги энг йирик матбаачилик ва ноширчилик марказига айланди. Компаниямиз ўз имконияти ва йўналишидан кўзга чиққан ҳолда АҚШ, Германия, Россия, Ҳиндистон каби матбаачилик соҳасидаги энг илғор мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.


Бугунги кунда «SHARQ» компаниясида газеталарни рангли чоп этиш технологияси тўлар-

санаторияга эга бўлган нашриёт ўзининг Тошкентдаги ва шаҳардан ташқаридаги объектларида қўшимча фаолият билан шугулланмоқда. Озиқ-овқат таъминоти дастурида фаол иштирок этмоқда.

— **Компания доимий равишда ўз маҳсулотлари билан кўплаб халқаро танловларда, китоб кўргазмаларида иштирок этиб, бир қатор совриларни кўлга киритмоқда. Келгусида қандай танловларда иштирок этиш режалаштирилган?**

— Ҳар бир соҳа ўз маҳсулотларини ярмарка, кўргазмаларга олиб чиқади. Ана шунда хулоса қилишга, таҳлил этишга, ўрганишга, ўргатишга имкон бўлади. Бу, айниқса, китоб соҳасида зарур.

Мустақиллик туфайли халқаро китоб ярмаркаларига Ўзбекистон номидан бориш бахтига муяссар бўлди. Франкфурт, Москва, Ашхобод, Пекин, Ариёб шаҳарларида ана шундай тадбирларда мутахассисларимиз иштирок этиб, соврилни ўринларни олиб келишмоқда. Самарқанд, Қарши, Марғилон шаҳарлари билан альбомлари, «Ўзбекистон — гуллаб дийёр», «Ўзбекистон табиати» альбомлари, лугатлар, энциклопедиялар, болалар учун рангли, расмли, бир неча тилларда чоп этилган адабиётларимиз ҳам чет элларда ҳам яхши баҳо олди. Қарангки, экспортга ҳам китоб маҳсулотлари жўнатиш бошланди. Бинобарин, Москва шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Халқаро ишбилармонлар кенгаши «SHARQ» компаниясига 2008 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг «Энг яхши компанияси» халқаро мукофоти берилиши яна бир эътироф бўлган эди. Айнан



шу йили «Сифат учун» мукофоти эса Испаниянинг «Biznes Intivativ» компанияси томонидан топширилди.

Бу йил, жумладан, Москва, Ар-Риёд шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмалардаги иштирокимиз ҳар йилгидан ҳам муваффақиятли бўлди. Келгусида ҳам бундай танлов ва кўргазмаларда иштирок этишни режалаштирганмиз.

— **Компания катта бир жамoa. Унинг ҳар бўлими ва бўлимларининг ўзига хос**

да етакчига айланди. Буни адабий жамоатчилик, кенг ўқувчилар оммаси ҳам эътироф этиб келмоқда. «Истиқлол фидойилари», «XX аср ўзбек романи», «Танланган асарлар», «Сайланма», «Аср ошган асарлар», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Жаҳон саргузашт адабиёти», «Шарқ мумтоз адабиёти намуналари», «Мақтаб кутубхонаси», «Боғчага — дўмбоқчага» каби туркумлардаги китобларимиз аллақачон ўз муаллифларини ҳам, ўқувчисини ҳам топиб бўлган. Шу йиллар давомида ҳар йили 100-120 та номда бадий адабиёт намуналари, болалар китоблари чоп этилмоқда. Бу ноширчилик нуқтани назардан қараганда катта кўрсаткич.

— **Сир эмас, кейинги йилларда юртимизда ҳам китоб савдоси, маркетинг тизими яхши йўлга қўйилмоқда. Бу борада қандай ишлар қилинди?**

— Истиқлол йилларидаги яна бир муҳим янгиллик шундан иборатки, мамлакатимиздаги ҳар томонлама ривожланиб бораётган босма маҳсулотлар бозорини изчил ўрганиш мақсадида Бошқарма мақомига эга бўлган маркетинг хизмати йўлга қўйилди: маркетинг ва китоб савдоси. Китоб чиққими, у ўз ўқувчисини топиши керак. Аниқроғи, унга етакчилик берилиши керак. Шу маънода 5-6 йил бурун китоб савдосини ривожлантириш бўйича жиддий ишларга қўл урдиқ. «Шарқ эиёкори» китоб савдо тизимини ташкил қилдик. Барча вилоятларда унинг филиаллари очилди. Ҳатто айрим туманларда ҳам савдо шахобчаларини очдик. Нашриёт жойларга бориб, китоб дўкони кура олмайди. Жой топамиз, уни таъмирлаймиз, яна ижара учун эгаларни пул тўлаймиз. Ана шу харажатлардан кейингина китоб савдоси бошланади. Бу харажатлардан ортиб улар даромадга чиқиши учун эса анча фурсат керак.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов «Юсак маънавият — энгилмас куч» асариди «Маънавият — инсонин рухан покланиш, қалбдан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиланди, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир», деб ёзади. Шу нуқтага назардан қараганда, биз матбаачиларнинг ҳам бугунги кундаги асосий вазифаси маънавиятга, маърифатга чин дилдан хизмат қилишидир. Ҳар қачон, ҳар қайси даврда ҳам маънавият, маърифат — инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг энг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи бўлиб қолаверсади.

— **Сухбатдош: Эркин ДОРИПОВ, «Millyy tiklanish» мухбири**

● САРҲИСОБ

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан бориб, дунё давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, Ўзбекистон номини дунёга таътилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш жараёнлар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ҳаво йўллари

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ



Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

— Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор босиб соҳа ходимлари олдига қўйилган устувор вазифалар Миллий авиакомпания таркибий бўлимларида босқичма-босқич амалга оширилмоқда, деди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тянь. Кейинги йилларда хавфсизлик, йўловчи ва авиация техникаси сервисининг сифатини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор янада кучайди. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» технологик базаси мунтазам равишда янгиланиб, Миллий авиакомпания аэропортлари ва объектларининг техник таъминоти янада такомиллаштирилмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам яхшилланиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига тўғна сифатида юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, барча қўлайликларга эга «Тошкент-3» маҳаллий аэровокзал фойдаланишга топширилди. «Бухоро» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга халқаро андозага мос янги йўловчилар терминали ишга туширилди. Жорий йилда Навоий шаҳри аэропортида соатига 400 нафар миқозга хизмат кўрсатиши кутилаётган йўловчилар терминалида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Мазкур аэровокзални 2012 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Нукус шаҳар аэропортида эса жаҳон талабларига жавоб берувчи учини-қўшни йўлкаси реконструкцияси ниҳоясига етди. Янги учини-қўшни йўлкаси барча русумдаги замонавий самолётларни қабул қилиш имконига эга. Авиаташувлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Миллий авиакомпания хизматларидан 1 млн. 727 минг йўловчи фойдаланган. Бу ўтган йилга нисбатан 7,7 фоизга кўп, демакдир. Ҳисобот даврида Миллий авиакомпания томонидан 18054 та қатнов бажарилиб, бу йилги кўрсаткич ўтган йилнинг шу дариға нисбатан 246 тага ошганлигини кўрсатди. Юк ташувлари ҳажми ҳам бирмунча ортгани кўзга ташланди. Жами 36 минг тонна юк ташилди, ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этди.

— Яқин кунларда Миллий авиакомпания ўқув машқ марказига қарашли, барча замонавий техника воситалари билан жиҳозланган янги тренажёр мажмуаси фойдаланишга топширилиши кутилмоқда, дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ер усти иншоотларидан фойдаланиш ва аэродромлар

бошқаруви департаменти бошбути Рустам Қодиров. — Ушбу объектнинг қурилиши учувчилар таркибини назарий ҳамда тренажёрлар ёрдамида тайёрлаш имконини беради.


Анжуманда таъкидланганидек, тизимда эскирган самолётларни замонавий, иқтисодий жиҳатдан тежамкор ва қўлай самолётларга алмаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Airbus» консорциуми ўртасида 10 та ўрта масофага учувчи А320 самолётларини етказиб бериш бўйича имзоланган шартнома босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугун ушбу русумдаги 8 та самолёт Миллий авиакомпаниянинг халқаро ва маҳаллий йўналишларида мунофақиятли эксплуатация қилинмоқда. Истиқлолда яна иккита Боинг-787 Dreamliner ҳамда тўртта Боинг-767 самолётлари келтирилиши кутиляпти.

Ўзбекистон ҳаво кенглигидан янада самарали фойдаланиш мақсадида вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми (RVSM) жорий этилмоқда. Меёрий-ҳуқуқий базага тузатиш киритувчи лойиҳа ишлаб чиқилиб, RVSM бўйича махсус йўриқчи ва мутахассислар ўқутилди. Шу йилнинг 17 ноябрдан ушбу тизимдан фойдаланишга ўтилди. Авиакомпания таркибий бўлимларида халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи сифат менежменти тизимини (СМТ) жорий этиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг SkyTeam альянсига аъзо бўлишига доир Бош битимнинг яқин вариантга тайёрланди ва яқин кунларда унинг имзоланиши кутилмоқда. «Uzbekistan airways technics» корхонасида А320 ҳаво кемасига С-check шаклида хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар фаол амалга оширилмоқда.

Авиация техникасига хизмат кўрсатишда замонавий усулларни жорий этгани учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Давлатлараро авиация қўмитасининг (ДАК) 20 йиллиги муносабати билан ташкилотнинг Фахрий дипломи билан тақдирланди. Қолаверса, компания қисқа давр ичида икки бора Европа сифат сертификати, Халқаро авиация хавфсизлиги фонднинг «Парвозлар хавфсизлиги учун» фахрий ёрлиги, Жаҳон хавфсизлик жамғармасининг «Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги муваффақиятлари учун» фахрий дипломига сазовор бўлди.

Эришилган ютуқларда, шубҳасиз, Миллий авиакомпания ходимларининг ҳиссаси катта. Юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бугунги кунда жаҳонда барқарор, хавфсиз, кучли ва илдам ривожланаётган авиакомпания сифатида эътироф этилмоқда.

— **Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Millyy tiklanish» мухбири**



МАЪНАВИЯТ

● ЖАРАЁН

Бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, тараққий топган иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ватанимизнинг таянчи ва суянчи

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ муҳтарам Юртбошимиз раҳнамоллигида ёшлар таълим-тарбияси алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун ҳар бир ёш илм-фан, техника янгиликлардан бохабар бўлиш билан бирга миллий қадриятларимиз, энг эзгу инсоний қадриятлар руҳида камол топмоқда. Ўз навбатида ёшларга яратилаётган имконият ва таълим-тарбиядаги ўзига хос услуб қўтилган самарани бераётир.

Мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни демократик таълимлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънан етук ва жисмонан соғлом фуқаролар бўлиб вояга етишларида кўмаклашиш каби эзгу мақсадларини амалга ошириш учун ёшларимиз ташаббуси билан 2001 йилнинг 25 апрель кунини бўлиб ўтган таъсис Қурултойида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилган эди. Ҳозирги кунда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизларимизнинг 5,5 млн. нафардан ортиги Ҳаракат сафига эзгу мақсад йўлида ихтиёрли бўлишган.

Республикамиздаги энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, мулкчилик шаклидан қатъий назар қорхона, ташкилот ва муассасаларда тахсил олаётган, хизмат қилаётган ёки меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган 15 617 та бошланғич ташкилотларига эга.

Ҳаракатнинг 14 та худудий, 194 та маҳаллий бўлим Кенгаши ёшлар фаолиятига яқиндан кўмак бериб келади. Шу билан бирга Ҳаракат ҳомийлигида "Ватан, дўстлик ва халқароварлик учун" шиори остида 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2,2 млн. нафардан ортиқ болаларни ўз сафига бирлаштирган "Камалак" болалар ташкилоти фаолият олиб бормоқда.

Ҳаракат томонидан ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, баркамол авлодни маънавий камол топтириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқни ва сиёсий маданиятини ривожлантиришига қаратилган фестиваллар, форум, конференция, илмий-амалий анжуман, кўрик-танлов, давра суҳбати, урашув, ижодий кеча ва спорт-соғломлаштириш, ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги кўлаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

ҲАМКОРЛИК

"Камолот" ЁИХ Халқ таълими вазири билан ҳамкорликда "Аждодлар мероси — келажак пойдевори" кўрик-танловини 1997 йилдан буён умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиб келмоқда. Бу тадбир ёшларимизни маънавий баркамол, Ватанимиз тарихининг чуқур билимдон қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бундай ҳамкорлик Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, қатор вазирилик ва идоралар билан ҳам яхши йўлга қўйилган. Бинобарин, ҳар йили анъанавий равишда "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси", "Ислохотлар билимдони" республика кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Ушбу танловлар орқали ёшлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англадилар, Президент асарларидан сабоқ олдилар.

КОНЦЕПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида Ҳаракатнинг "Концепция — тараққиётимиз пойдевори" лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад, "тенгдош-тенгдош"га деган йўл орқали ёшларга Концепция мазмун-моҳиятини тушуниришдан иборат эди. Яъни, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабалари 2010 йилнинг 28 декабрдан 2011 йилнинг 10 январига қадар лойиҳанинг илк босқичида республикамизнинг барча вилоятларида кенг миқёсда тарғибот ишларини олиб боришди. Шунингдек, таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар орқали ёшлар ўртасида "Концепцияни ўрганиш ойлиги" ўтказилди. Мазкур ойлик давомида Олий Махлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг кўмити раислари, Марказий сайлов комиссияси раиси ва бошқа қатор соҳа мутахассислари Концепцияда белгиланган йўналишлар бўйича 150 нафар энг фаол ёшларни учун ўқув семинарлари ташкил қилишди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Миллий маънавиятимиз, тарихимизни қадрлаш, аждодларимиз меросини ўрганиш, хусусан, Амир Темури таваллуд топан кунини кенг нишонлаш мақсадида Ҳаракат тизимларида "Амир Темури — буюк саркарда" шиори остида "Баркамол авлод тарбиясида Амир Темури ўғитларининг ўрни" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлари анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. "Халқаро музейлар кўни" муносабати билан Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда "Тошкент — Буюк Ипақ йўли чорраҳасида" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

"Наврўз" умумхалқ байрами арафасида Республика "Камалак" Болалар ташкилоти Халқ таълими вазирилик, Техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ҳар йили 14-31 март кунлари барча худудларда "Қадриятларни қадрлаймиз" лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида "Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар", "Миллий халқ уйинлари" ва "Варрақлар сайли" фестиваллари ташкил этилди.

"КАМОЛОТ" ИМТИЁЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Қурултой Кучлари

сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома билан ўқишга қабул қилинган талабалар Ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда, шартнома тўловининг 35 фоизи тўлаб берилади. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, 15 йилдан буён ўтказилаётган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, она Ватанга бўлган муҳаббатларини юксалтиришга хизмат қиладиган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларида бир йил давомида 70 мингдан ортиқ ёшлар қатнашмоқда.

ЁШ ОЛИМЛАРГА ҲОМИЙЛИК

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан кенг жамоатчиликнинг иштирокида ёш олим ва ижодкорларга ҳомийлик тизимини шакллантириш, хусусан, ёш иختирочиларнинг илмий тадқиқотлари ва кашфиётларини амалиётда қўллашга, маъмурий-идоравий тўсиқларсиз, сансалорликсиз, бевосита ишлаб чиқариш тармоқларида синаб қўрилишига ҳамда яқли ишлаб чиқаришга жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Қилиб таълим муассасалари талабалари ўртасида "Камолот" таълим гранти танлови ташкил этилди. "Камолот" таълим гранти — кам таъминланган иқтидорли талабаларни ижтимоий кўлаб-қувватлашга кўмаклашишга қаратилган лойиҳа ҳисобланади. 2010 йилда "Ёш олимлар учун стипендия" таъсис этилди. Стипендия — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорда бир йил давомида тўлаб борилади. Лойиҳа ёш олимларнинг илмий-ижодий иши ва фаолиятини кўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга таълимий, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, яратган янгиликларини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашишга қаратилган. Танловда 30 ёшгача бўлган 53 нафар ёш олимлар (фан номзодлари) иштирок этиб, табиий фанлар, аниқ фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича 14 нафар иштирокчилар танлов голуби бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 августдаги Фармонида мувофиқ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида юксак муваффақиятга эришган ёш олимлар ва ижодкорлар "Ўзбекистон белгиси" кўрақ нишонини билан тақдирлаб келинмоқда.

Ҳаракат "Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳаси"даги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдиришни биринчи дастурий вазифа деб билади. Ҳаракат ушбу дастурий вазифаларни Юртбошимизнинг ҳар бир қишлоқлари аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тушунириш, тарғиб этишга мўлжалланган энг муҳим тадбирлардан ҳисоб қилиб келган.

Ҳаракат "Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳаси"даги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдиришни биринчи дастурий вазифа деб билади. Ҳаракат ушбу дастурий вазифаларни Юртбошимизнинг ҳар бир қишлоқлари аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тушунириш, тарғиб этишга мўлжалланган энг муҳим тадбирлардан ҳисоб қилиб келган.

Ҳаракат "Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳаси"даги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдиришни биринчи дастурий вазифа деб билади. Ҳаракат ушбу дастурий вазифаларни Юртбошимизнинг ҳар бир қишлоқлари аҳоли, хусусан, ёшлар орасида тушунириш, тарғиб этишга мўлжалланган энг муҳим тадбирлардан ҳисоб қилиб келган.

КАМОЛОТ ЁШЛАРИ

Мурод ҲАЙИТОВ, қурултой делегати, Сирдарё вилояти: — Тарихдан маълумки, қаерда зиёлилар, истеъдод эгалари бирлашиб, кенгашиб турса, бу ўша мамлакатнинг юксалишига хизмат қилган. Чунки бундай машаратлар теран ва кенг қамровли фикрларнинг тугилишига туртки беради. Шулардан келиб чиқиб, "Камолот" ЁИХ Сирдарё вилоят

бўлими Кенгаши қошида "Истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватлаш" бўлимини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Мазкур лойиҳани жорий этишнинг афзаллик томони шундаки, у истеъдодли ёшларни ўз атрофида бирлаштиради.

Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида "Истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватлаш бўлими"нинг ҳамкорларини белгилаб олдик. Асосий ҳамкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Бадий академияси, Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳисобланади. Бўлим дастурида кўрсатилганидек, учта асосий йўналишнинг олти таркибий йўналиши ва бўлими ёрдами йўналишларга бўлинади. Бўлим болалар ва ўсмирлар учун бадий адабиётлар, санъат асарлари яратилишини рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар ташкил этиш, замонавий қаҳрамонлар тимсоли яратган энг яхши асарларни мукофотлашнинг амалий дастурини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар тайёрламоқда.

Зулхумор БОБОЕВА, қурултой делегати, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Тошкент вилояти:

— Мен спортчи сифатида ўз юртим, миллатим шаънини дунё микёсида ҳимоя қилишга доим тайёрман. Чунки истиқлол йилларида юртимизда кўлаб янги, барча талабларга жавоб берувчи спорт иншоотлари барпо этилган бўлса, қувонарлик эса уларнинг мингдан ортиги қишлоқ жойларда қад кўтарди.

Мана шу яратилаётган барча шароитлар, аввало, биз ёшларни, айниқса, қизларни жисмонан бақувват, иродали, матонатли, соғлом оила бекаси бўлишимизга замин яратмоқда.

Мен бугун гурури балинд халқимнинг эрка Зулфияхоним қизлари сафида, ёшларнинг ишончли ташкилоти "Камолот"чи эканимдан, барча жараёнларда меннинг ҳам кичкина ҳиссам борлигини, жамиятга, элимга фойдам тегаётганидан фаришманам.

Жорий йилнинг 1 декабрда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг III Қурултойи бўлди. Унда делегат сайлаш ҳамда Ҳаракатнинг Устав ва дастурларига ўзгартириш юзасидан билдирилган таклифлар тўғрисидаги бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Осий ЖАЙЛОБОВА, Тошкент шаҳри:

— Ватанимиз эртаси бўлган ёш авлод камоли учун улкан имкониятлар дарвозаси очиб берилган. Бугунги кунда барча соҳаларда тенгдошларимиз ўз билим ва салоҳиятларини оширишлари, дунё билан юзлашишлари учун турли танловлар, олимпиадалар ўтказиб келинмоқда.

Ёш истеъдод эгаларини кашф этишда юртимиз йигит-қизларининг орзу-интилишлари, эзгу мақсадларини рўйга чиқариши, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни бекиёсдир. Ҳозир ушбу нуфузли ташкилотнинг Олий органи ҳисобланган III Қурултойи ўтаётган экан, мен ўзим ва Республикамаизнинг барча ижодкор ёшлари ҳамда Зулфияхоним издошлари номидан ушбу Ҳаракат ишига каттадан-катта зафарлар тилайман.

Муҳаббат САПАЕВА, Хоразм вилояти:

— Ҳар қандай давлатнинг, халқнинг эртанги кунини, ёруғ истиқбол шун юртда камолга етиб келаётган ёш авлоднинг салоҳияти, етуқлиги билан белгиланади. Шундай экан, озов ва обод Ўзбекистонимизнинг буюк келажиги бугунги ёшларимиз қўлида зохир бўлмоқда.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкили эгали. Ушбу рақамнинг ўзига Ҳаракатнинг нақадар кучли ва улкан масъулият билан иш олиб бориши зарурлигини кўрсатади. Бугун амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа, тадбир ёки рағбат замирида буюк келажигимиз пойдеворига қўйилган бир гиштини тасаввур этиш қийин эмас.

Шу боисдан ҳам муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мезони фарзандларимизнинг озов ва обод Ватанда бахтли, саодатли, ҳеч қандай кам бўлмағ ҳаёт кеңиришини таъминлашга қаратилгандир. Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

● КЎРГАЗМА

Миллий санъат марказида IX "Bazar-Art" кўргазма — ярмаркаси ўз ишчи бошлади. Уста хунармандлар томонидан турли маҳаллий хомашёлардан ўйиб шилланган, нақш туширилган буюмлар, кўл меҳнати асосида яратилган кулолчилик, заргарлик маҳсулотлари мазкур кўргазмадан жой олган. Шойи, ипақ, атлас, адрас, парча ва беқасам сингари анъанавий ўзбек матоларидан тикилган миллий либослар, кандакорлик, кулолчилик, чиннигарлик буюмлари, заргарлик зеб-зийнатлари, нақшинкор гиллавлар, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ва расомлик намуналари томошабин кўзини қувонтиради.

Мамлакатимизнинг барча худудларидан 150 нафардан ортиқ уста-хунарманд йилда икки мартаба ўзларининг энг сара асарларини айнан шу ерга олиб келадилар. Уларнинг аксарияти "Bazar-Art"да доимий иштирок этишади. Хунармандларнинг муқим миқозлар базаси шакллангани ҳам эътиборга молик.

Ортиқ ФАЙЗУЛЛАЕВ, ёғоч ўймакорлиги устаси, Тошкент шаҳридан "Bazar-Art" безакли амалий санъат кўргазма ярмаркасининг доимий иштирокчиси:

— Юртимизда амалий санъатни ривожлантириш йўлида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур кўргазма-ярмарка мамлакатимиз санъати, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда ўзининг беназир ҳиссасини қўшмоқда, десак мунороба бўлмайди. Бугунги маҳорат дарси чоғида шогирдларим билан бирга санъат ихло-



"Bazar-Art"

УНДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ НОЁБ АСАРЛАРИНИ КЎРИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН

мандларига нақшни ўйиб тушириш жараёнини кўрсатиб бердик. Кўпчилик ушбу жараённи иштиёқ билан томоша қилди. Мени қувонтирган нарса шуки, Тошкент ёғоч ўймакорлиги маҳоратли устасининг кўп йиллик анъаналарини сақлаган ҳолда ривожланишда давом этмоқда.

Истам ЯХШИЕВА, каштадўз, Бухоро вилояти:

— "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркасида илк мартаба иштирок этишим. Бу ерда амалий санъатнинг барча турлари мужассамлигини кўриб, кўзинг қувнайди. Мен ушбу кўргазмага халқимизнинг ноёб санъат асари ҳисобланмиш-сўзана, яқтак ва халатларини олиб келдим. Мана бу бодом, илон, анор, чаён ва тошбақа рамзи туширилган сўзана-ларим кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Чаён азалдан ёмон кўзлардан сақлаш, илон донолик, бодом ризқ-рўз, анор серфарзандлик, тошбақа оросталик рамзи ҳисобланиб келинган. Тўрт кутб рамзи сифатида уйғунлашган тўрт кўза акси туширилган

сўзанамнинг ҳам бозори чаққон. — Кўргазмага доимий равишда келиб, ўзимга керакли ва ёққан буюмларни харид қиламан, — дейди Шаҳноза Мусаева. — Бу гал мен мисдан ясалган чойнак, пиёла ва лаган харид қилдим. Кўргазмага қўйилган ҳар бир маҳсулот ўз жозибасига эга. Буюмларнинг барчаси инсоннинг кўз нури ва қўл меҳнати билан яралганини англаш қийин эмас. Кўргазма ақунида таниқли санъат арбоблари ва кўза кўринган уста-хунармандлардан иборат ҳакамлар хайъати аъзолари қатнашчиларнинг асарларини "Анъанавий тўқимачилик устаси", "Анъанавий кандакорлик устаси", "Нақш ва миниатюра устаси", "Ёғоч ўймакорлиги устаси", "Зардўзлик санъати устаси", "Кулолчилик устаси", "Анъанавий каштачилик устаси" ва "Анъаналарни замонавий қиёфаларда сақлагани учун" номинациялари бўйича баҳолаб боришди. Голиблар диплом, қимматбаҳо буюм ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д.РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири



● КОНФЕРЕНЦИЯ

Оммавий ахборот воситалари

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «ОАВ»нинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий эркинлигини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этди.

Анжуманда ахборот соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ОАВни эркин ривожлантиришнинг қонуний асосларини янада тақомиллаштириш, давлат томонидан кўлаб-қувватлаш, медиа тармоққа бозор механизмларини жорий қилиш, ОАВ бозорига рақобат муҳитини шакллантириш замирида буюк келажигимиз пойдеворига қўйилган бир гиштини тасаввур этиш қийин эмас. Шу боисдан ҳам муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мезони фарзандларимизнинг озов ва обод Ватанда бахтли, саодатли, ҳеч қандай кам бўлмағ ҳаёт кеңиришини таъминлашга қаратилгандир. Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

аҳамият касб этади. Мазкур институтлар фаолияти мамлакатимизда мустақил, замонавий демократик стандартлар ва талабларга жавоб берадиган ОАВни шакллантиришни кўлаб-қувватлаш, ОАВнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларни фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш фаолиятига жалб қилиш ҳамда аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотийолий таълим муассасаларининг вакиллари, мамлакатимиздаги газетанинг озов ва обод Ватанда бахтли, саодатли, ҳеч қандай кам бўлмағ ҳаёт кеңиришини таъминлашга қаратилгандир. Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа ташкилотлар муҳим роль ўйнайди. Таъкидланганидек, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш, уларнинг иқтисодий эркинлиги, мустақиллиги ва самардорлигини таъминлаш матбуот эркинлиги ва мустақиллигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Концепцияда белгиланган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, ОАВ мустақиллигини, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий қафолатлар ва механизмларни янада мустаҳкамлаш, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самардорлигини ошириш ҳамда иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Анжуманда Концепцияда белгиланган сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ОАВни эркин ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштиришга қаратилган вазирилари самарали амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўз муҳбиримиз

ЖАРАЁН

“КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КАФОЛАТИДИР” ТАНЛОВИГА

Бугунги бахт, эртанги саодат қомуси

Конституция мамлакат ва давлат тузумининг ижтимоий-ҳуқуқий асоси, қонун-қоидаларини белгилаб берувчи бош қомус ҳисобланади. У инсонларнинг ҳаёти, озодлиги, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Хисобланади. Сийёсий соҳадаги ислохотлар демократик умуминсоний принципларига асосланганлиги учун давлат ва жамият ҳаётида фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим омилли саналади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари улуғланаётган, ўз қадрини топаётган юртимизда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиб бориши конституциявий кафолатнинг яна бир ифодасидир. Бир сўз билан айтганда, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари Конституцияда кафолатлангани юртдошларимиз қалбидаги эзгу мақсадлар рўйбунинг омилли бўлмоқда. Чунки, давлатимизнинг Асосий қонунини нафақат фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди, амалга оширадиган, балки уларни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди.

Давлат инсон манфаатларини улуғ ва олий қадрият сифатида эъозлаётган экан, бунга жавобгар ҳар бир фуқаро ҳам ўзининг конституциявий бурчига содиқ бўлмоғи лозим. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик ва халқпарварлик ғоялари билан чамбарчасдир.

Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган кафолатлар, қонунлар ва ифода этилган нормаларни

қундалик ҳаётимизда қарор топтириш ҳар биримиздан ҳуқуқий фаоллигини талаб қилади. Конституция инсон ҳуқуқи ва манфаатларининг ифодаси сифатида демократик қадрият ва ижтимоий адолатнинг қадр топишида, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришида тинчлик ва миллий тотувликни таъминловчи муҳим восита саналади. Яна бир гап: Ўзбекистон ёшларига яратилган шарт-шароит ва кўрсатилаётган имкониятлар бошқа бирор бир мамлакатда учрамайди. Аслида ана шу имкониятларнинг асоси ҳам бахт қомусимиз — Конституциядир. Унинг 41-моддасида бепул таълим олиш кафолатланган.

Истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг иқтидорларини ривожлантириш мақсадида “Янги авлод” ва “Келажак овози” кўрик-танловлари, “Ниҳол”, “Зулфия номидаги Давлат мукофотлари таъсис этилганлиги ҳам Конституциямизга танган ҳолда амалга оширилаётган эзгу ҳаракатлардир.

Юртбошимиз биз ёшларни давлат таъини ва устуни, деб эътироф этган эканлар, биз ҳам бунга жавобан конституциявий ҳуқуқларимиздан кенг фойдаланган ҳолда юртимиз муносиб фарзандлари бўлишимиз лозим.

СабиНА ТУРДИЕВА,

Навоий кончилиК коллежининг 3-курс талабаси



Ёш авлод камолоти йўлида

Мустиқликка эришган дастлабки кунларда ноқамлакатимизда таълимга устувор соҳа сифатида қараб келишмоқда. Сўнги йиллар ичида туман халқ таълими тизимида мисли кўрилмаган ўзгаришлар қилинди. Сакам 70 йилдан бундан қаровсиз этган мактаблар ўрнида янги ва замонавий кўп қаватли ўқув масканлари қад ростлади. Айни пайтда тумандаги 69 та умумтаълим мактабларининг барчаси капитал реконструкция ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Яқинда туманимиздаги мактабларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, улардан унумли фойдаланиш мавзусига бағишланган семинарда айнан шу масала кўтарилди. Унда республика халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳар бир фан кабинети, лаборатория хоналарининг жиҳозланиши, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида йўл-йўриқлар ва тушунчалар берилди. Энг чекка қишлоқларда қуриб фойдаланишга топширилган замонавий мактабларнинг фан кабинетлари ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналаридан самарали ва асраб-авайлаб фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Бугун туманда мавжуд 69 та мактабда 2828 нафар ўқитувчи ўқувчиларга фанлардан сабоқ бериб келишмоқда. Уларнинг 2441 нафари олий маълумотли педагог-мураббийлардир. Бундан ташқари, 40 та мактабгача тарбия муассасалари, 7 та мактабдан ташқари таълим масканлари самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Мактабларда илгор педагогик технологияларни жорий этиши, малакали педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиши, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, тавсиялар ишлаб чиқиш, инновацион ўзгаришларни дарс жараёнларига татбиқ этиши, ёш мутахассислар билан ишлаш янги йўлга қўйилган. Тумандаги барча таълим муассасаларида ўқитувчи ва мураббийларни улуғлаш борасида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим” мавзусида иншоолар танлови ўтказилди. Туман халқ таълими тизимида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, ўқувчилар билан савиясини кўтариш мақсадида ҳар ойнинг охиригача жумасида “Маънавият кўни” ўтказилади. Шу кун маънавий-маърифий ўқувлар, тадбирлар, семинарлар ташкил этиш одат тусини олган. Жумладан, “Фаровон ва бахтли келажак бизнинг кўлимизда”, “Қайнона-келин муносабатлари”, “Иқбол”, “Қизлар давраси”, “Ўзбегим ўғлонлари”, “Шунқорлар”, “Беғубимлар”, “Зулфияxonим қизлари” каби тадбирлар, барча умумхалқ ва миллий байрамлар кенг нишонланмоқда. Барча мактабларда соғлом турмуш тарзи, комил инсон тарбиясига қара-

тилган тарбиявий соатлар самардорлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш мақсадида бир нечта тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилган.

Қолаверса, барча таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида спорт иншоотлари 118 та гимнастик тўшақлар, 6 та стол тенниси, 1065 та турли хил тўплар, 50 та энгил атлетика анжонлари, 60 та футбол фишқалари, 90 та мелсинбол, 10 жуфт футбол, 16 та волейбол, 80 та баскетбол ҳалқалари, тўрлари, шахмат-шашка тўплами ҳамда 100 комплект бадий гимнастика жиҳозлари билан таъминланди.

Бугунги кунда туманда 209 та спорт иншоотлари ва 48 та спорт заллари, 9625 нафар болалар ва ўсмирлар учун мунтазам хизмат қилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қуриб, фойдаланишга топширилган спорт иншоотларида ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд тўғарақлар, уларга болаларни жалб этиши, уларнинг самарали фаолияти, мусобақаларда қатнашиш даражаси, болалар ва ўсмирлар саломатлиги масаласига эътибор янада кучайтирилмоқда.

Туман маънавият ва маърифат маркази, ички ишлар бошқармаси, тиббиёт бирлашмаси, прокуратура, маҳалла фу-

қаролар йиғини раислари, ота-оналар кўмитаси раислари билан ҳамкорликда тасдиқланган режа ва жадваллар асосида мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, ОИТС ва унинг оқибатлари, одам савдосига қарши кураш, эрта турмушга чиқиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида тарбиявий ишлар олиб борилаёпти. “Ёшларга эътибор—келажакка эътибор”, “Йўл қайдаси—умр фойдаси”, “Одобли бола элга манзур”, “Ёшлик—олтин давр” мавзуларида ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари ана шундай тадбирлар сирасига қиради. Бўлим томонидан таълим муассасаларида оммавий, маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловларни ўтказишга ҳам жиҳдий эътибор берилади. 2010-2011 ўқув йили давомида туманимиздаги таълим муассасалари вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди. Бир сўз билан айтганда, бу ютуқларга ёш авлоднинг ўсиб-ўлғайиши, салоҳиятини тўла-тўқис намойиш этиши учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар тўғрисида эътибор берилди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Комилжон ТОҲИРОВ,
Самарқанд туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

ҚИҲИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ...

Қонун барчага баробар

Республикамиз божхоначилари томонидан нефть ва ёқилғимойлаш маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари ҳамкорлигида аниқланган 395 та қонунбузарлик ҳолатларига қиймати 214 млн. сўмлик 154 минг литрга яқин нефть маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Видеоназорчилар қўлга тушди

Қашқадарё вилояти божхоначилари ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари билан ўтказилган тезкор тадбир чоғида Қарши шаҳрида лицензиясиз тарзда турли мазмундаги DVD ва CD дискларни ноқонуний кўпайтириб сотаётган сохта тадбиркорлар фойдаланишда қўлга олинди. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилнинг ўтган 9 ойи давомида божхона ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида 230 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди ва салкам 210 минг дан турли форматдаги дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилган.

Ташмачиликка чек қўйилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 5 февралдаги “Рангли металл парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ рангли металл парчалари ва чиқиндиларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш таъқиқланди. Шунга қарамай, тартибга солиш мақсадида рақамли металл парчалар билан боғлиқ талон-торожилик ҳамон давом этмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 292 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган ва бунинг натижасида 288 млн. сўмдан ортиқ қийматдаги 450 тонна қора ва рангли металл парчаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати инспектори

АНЖУМАН

Банк ва аграр сектор

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида аграр сектор ва банк ҳамкорлигининг самаралари мавзусида анжуман ўтказилди.

Ушбу тадбир мамлакатимиз аграр тизимида ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан, қишлоқ хўжалиги ва инфраструктурасини барқарор ривожлантириш, қишлоқларнинг қиёфасини ўзгариштириш, маҳсулотларни етиштиришда самардорликни ошириш мақсадида олиб бориладиган ишлар хусусида бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий улуш қишлоқ хўжалиги, яъни аграр сектор ҳисобига тўғри келади. Юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришда қатор ислохотлар олиб боришмоқда. Бунда “Агробанк”нинг ҳиссаси тўғрисида алоҳида тўхталиш мумкин. Ҳозирги пайтда агросаноат мажмуининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер хўжалиқларини моддий-техник базасини таъминлаш ва молиялаш борасида бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди. Масалан, жорий йилда “Агроросаноат” комплексини молиявий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, фермер хўжалиқларини кредит ресурсларига бўлган эътиёжларини қондириш мақсадида 1,2 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш суръати йилдан-йилга ўсиб, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 6,8 фоизни ташкил этди.

Хусусан, банклар томонидан мева-сабзавот етиштириш ва иссиқхона хўжалиқлари ташкил этишига қаратилган умумий қиймати 70,1 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада янги боғ, узумзор ва иссиқхоналар барпо этилди. Шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури асосида тадбиркорларга 346,7 млрд. сўмлик кредит маблағларининг берилиши ҳисобига 42 миң-

дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлашга доир лойиҳаларга ҳам маблағлар ажратилиши мавзусида 11,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, дейди Марказий банк бошқарув раисининг ўринбосари Шухрат Ҳайдаров. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юзасидан 11 та иқтисодий ноҳор корхоналар банк балансига олинган. “Марғилон-текс”, “Ашшахс”, терини қайта ишловчи “Кўнчи” каби корхоналар фаолияти тикланиб, модернизация ва реконструкция қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, 544 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 13,3 млрд. сўмдан ошди. Шундан 5,1 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспортга йўналтирилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда келгусида аграр сектор соҳаларини янада барқарор ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларини фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий, молиявий ва техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ва янгиларини жадал барпо этиш, юқори сифатли рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдирини йўналтирилган лойиҳаларни молиявий ресурслар билан муттасил таъминлаш чоралари кўриб чиқилди.

Юнусали ОЧИДИЕВ,
“Millyi tiklanish” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 февралдаги йиғилишида қилган маърузасида “...аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболагасиз энг муҳим шарт”и эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан юртимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор вазифалар ижросини таъминлашга, меҳнат бозоридида фаол чора-тадбирларни амалга оширишга ҳамда аҳолининг заиф гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қатор амалий ишлар олиб боришмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ташқи меҳнат миграцияси

Шунга кўра, жойларда вақтинча ишсиз, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига, муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган, таркибий ўзгаришлар натижасида ишсиз қолган фуқароларга, ногиронларга, оилавий шароитга кўра ишламайдиган аёлларга ва бошқа меҳнатга лаёқатли фуқароларга меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда.

— Ўтказилган ярмаркалар натижасида ўтган 10 ой мобайнида 869 миң нафар йигит-қиз иш ўринларига эга бўлди, - дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Фурқат Халилов. — Бундан ташқари, аҳолини иш билан банд бўлмаган қатлами ҳамда фуқароларнинг талаб-истакларига асосан меҳнат миграциясини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш борасида муқаммал тизим яратилди. Фуқароларнинг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг тизим ва механизмини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаро-

ларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Минтақавий Бюроларнинг низомилари тасдиқланиб, давлатлараро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шунингдек, агентлик ҳузуринда ташкил этилган ўқув марказида чет элларга кетаётган фуқароларга зарур кўникма берилиб, ўқитилади. Бироқ, гуруҳ курмакисиз бўлмаганидек, мўмай даромад топиш илинжида юрган фуқароларни алдов йўли билан катта маошларни ваъда қилиб, уларнинг ишончини суистеъмол қилаётган айрим нопок кимсалар ҳам учраб турибди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси ва бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишни таъминлаш билан бир қаторда республикамизда ноқонуний миграция ва одам савдосининг олдини олишга доир қатор тадбирлар олиб боришмоқда. Хусусан,

шу мақсадда 2008 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ноқонуний миграцияларни бартраф этишининг асосий тамойили ҳисобланади. Бу билан одам савдоси жабрдийдаларини реабилитация қилиш масалалари ва бу соҳада халқаро ҳамкорлик, одам савдосига қарши кенг қамровли курашиш тартиби ва механизми шакллантирилди. Шунингдек, жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзиш, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш бўйича марказлар ташкил қилинди.


Ўз мухбиримиз

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Ички аъзолар ташқи бозорда

БМТ, ЕВРОПА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК, ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН КОНВЕНЦИЯ ВА ҚАРОРЛАРГА ҚАРАМАЙ, ИНСОН ИЧКИ АЪЗОЛАРИ САВДО-СОТИФИ ҲАМДА НОҚОНУНИЙ ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯ ЧУҚУР ИЛДИЗ ОТМОҚДА



1954 йилда америкалик жарроҳ Жозеф Мюррей буйрак, 1967 йилда океан ортилик яна бир врач Томас Старзл жигари, Жанубий Африка Республикасида яшовчи Кристиан Бернгард юракни кўчириш операциясини муваффақиятли амалга оширди. 1990 йилга келиб АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларида тана аъзоларини кўчириш оддий ҳолга айланди. 2000 йилнинг бошларига келиб АҚШда йилга 5 минг, Испанияда 800, Россия ва Беларусда 3-4 тадан жигар трансплантацияси амалга оширилган.

АҚШ бу борада ҳамон етакчилик мавқеини сақлаб келмоқда. 1984 йилда қабул қилинган қонунга кўра, бу давлатда ички аъзо ва тўқималарни сотиш таъқиқланган. Инсон органлари марҳумнинг оила аъзолари розилигига қараб бепул кўчиришга рухсат берилади. Акс ҳолда, қонунбузар 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади ёки 50 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга мажбур. Нью-Жерси штатида тиш касалликлари шифокори Майкл Мэстроморина назорат ишларининг сустигидан фойдаланган ҳолда мингдан ортиқ мурдаларнинг турли аъзоларини 3 та штатдаги донорлик пунктига сотган. Ноқонуний равишда фаолият юритган бу шахс марҳумнинг ёши ва касаллик тарихини яширган. Бу кесиб олинган аъзолар кейинчалик АҚШ, Канада ва Европа мамлакатларида навбатда турган 20 мингдан ортиқ бе-

морларга ўрнатилган. Федерал қидирув бошқармаси — ФБР агентлари Мэстроморина бошчилигидаги 40 дан ортиқ кишидан иборат жиноий тўда фаолиятига чек қўйган. Улар орасида 3 нафар шахар мэри, штат қонунчилик идорасида ишловчи бир неча депутат ва маҳаллий жамоалар аъзолари бўлган. Контрабандада гумон қилинганлар Исроилдан буйракни 10 минг АҚШ долларига сотиб олиб, АҚШда 160 минг долларгача сотишган. Айнан шу йўл билан 3 миллион доллар миқдорида даромад кўрилган.

Нью-Йорклик Леви Ицхак Розенбаум устидан шу йилнинг октябр ойида ўтказилган суд жараёнида у Исроилдан донорларни олиб келиш билан машғул бўлганини тан олди. Нью-Жерси прокуратураси бу ҳолатга биринчи бор тўқнаш келаётганини маълум қиларкан, Розенбаум 3 нафар беморга бошқа бир бе-

морнинг буйраги қўйилган учун 420 минг доллар миқдорида фойда кўрган экан. Танаси бошқа дард билмас "ишбилармон тадбиркор"га бу харом пуллар буюрмади, ҳисоб. Энди қуртдек санаб олинган пуллари қайтаришга тўғри келади. У ҳам майли, содир этган жинояти учун яна 250 минг жарима пулини тўлайди ва яна 20 йилгача озодликдан маҳрум этилиши қутилмоқда. Розенбаум ва унга "хиёнат" қилган ҳамқори ФБР агенти қопқонга тушиб қабиҳ ишлари фош бўлди.

Трансплантация билан боғлиқ яна бир маълумот: бир кишининг ички аъзолари 75 нафар одамнинг ҳаётини сақлаб қолар экан. "Қора бозор"даги нарх-наво хусусида тўхталсак, юрак 160 минг доллар, жигар 60-150 минг доллар атрофида, буйрак 20-100 минг долларгача, ошқозон ости беши 45 минг долларгача сотилмоқда. Сўнгги 5 йил ичида дунё миқёсида 150 минг бола ном-нишонсиз йўқолган. Интерпол ташкилоти уларнинг аксариятини хорижий фуқаролар ўз номига расмийлаштириб олганлиги учун топа олмапти. Айнан трансплантология бўйича йилга ноқонуний равишда 1 миллиард доллардан маблағ топишмоқда. Кўпчилик иқтисодий жиҳатдан ночорлиги туфайли ўз танаси аъзоларини сотишга мажбур бўлаёт-

гани ҳам рол. Ҳиндистоннинг Тамилнаду штати қишлоқларида яшовчи аҳолининг кўпчилиги тирик донорлик хизматини таклиф этмоқда. Улар ўз буйрагини бор-йўғи 2-3 минг долларгача сотмоқда. Қишлоқларда буйрак улгуржи савдоси авж олган. Шу боисдан 1995 йили бир неча штатларда бу ҳолатга қарши махсус қонун қабул қилинди. Шунга қарамасдан, Ҳиндистон буйракни бошқа мамлакатларга сотувчи мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Бу ерда кечаю кундуз ўлган одамни эмас, балки супермаркетдаги каби тирик инсоннинг ички аъзоларини кўчириб ўтказиш мумкин экан.

Хитойнинг Аньхой вилоятида яшовчи Сю Чжен 1 PAD-2 русумли смартфон-компьютерини сотиб олиш учун интернет тармоғи орқали буйрагини 22 минг юанга сотган. Буйракни кўчириш операцияси Хунандаги шифохоналарнинг бирида ўтказилди. Бундан хабар топган она клиникага бориб тўполон қилган. Бирок, жиноятчиларни топ-пийнинг иложи бўлмади. Улар аллақачон жуфтани ростлаб қолган эди. 17 ёшли Сюнинг аҳоли кундан кунга ёмонлашиб борапти.

Хитойнинг Сун Ят Сен университети трансплантология департаментида бор-йўғи 24 соат ичида беморга мос тушадиган жигар ёки буйракни алмаштириш ҳеч гап эмас. 2007 йилда қабул қилинган донорлик органлари савдосини чеклаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ мамлакатга сайёҳ никобида келган ажнабий фуқароларга инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш ман этилди. Кўпгина япон фуқаролари хитойликлар исм-шарифи остида клиникалардан рўйхатдан ўтмоқда. Коррупцияга чек қўйиш мақсадида Хитойнинг 10 та вилоятида АҚШдаги каби ўз ички органларини ихтиёр топшириш марказига асос солинди. Ҳозирга қадар 5 йил ичида хитойлик улгандан сўнг ўз аъзоларини кесиб олишларига розилик билдирибди.

Гага трибунали собик прокурори Карло дель Понте НАТО қўшинлари Косовога олиб кирадиган, ўлкада инсон аъзолари савдоси кучайтирилганига эътибор қаратган. Приштинадаги "Медикус" хусусий клиникаси буйракни ноқонуний трансплантация қилиш марказига айланган аён бўлди. Ко-

сово махсус прокуратураси ва Европа Иттифоқининг "EULEX" миссияси бу ишда 5 нафар юқори лавозимли шахсларни айбламоқда. Халқаро Қизил Хоч ташкилоти берган маълумотига кўра, Косоводаги можароларда 1 минг 885 киши бедарак йўқолган. Европа Кенгаши парламент ассамблеясида маъруза қилган Дик Марти Кукеш Эльбасен, Флор. Дроч шахарларидаги ўлим лагерида сақланаётган маҳбуслар Тиранага олиб келиниб, ички аъзолари суғуриб олинаётганини таъкидлаган.

Ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кўнгилли донорлар кўпайиб бораёттир. Масалан, Германияда ўз вафотидан сўнг ички аъзоларини трансплантация қилинишига изн берганлар сони 860 минг нафардан ошиб кетган. Ирландияда эса 250 минг фуқарога донорлик ҳужжати топширилди. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда ҳайдовчилик гувоҳномасига йўл транспорти ҳодисасида ҳалок бўлгандан сўнг ички органларини бошқаларга қайта ўтказиш розилигини билдирувчи белги қўйилган. 2009 йили Сербия президенти Борис Тадич Белград ҳарбий-тиббиёт академиясига вафотидан сўнг ички органларидан фойдаланиш ҳақида рухсат берган. Утган йилнинг баҳорида Покистон президенти Асиф Али Зардорий давлат телевидениеси орқали қилган чиқишида тана аъзоларини трансплантация қилиш ҳақида васият қолдиришини маълум қилган. Президент ўз васиятини рафиқаси, таниқли сиёсатчи Беназир Бхуттонинг ёрқин хотирасига бағишлашни таъкидлаган.

Куни кеча Хитой жамоат хавфсизлиги вазирлиги қора бозор on-line тизими орқали қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, ўткир тигли жисмлар, захарли химикатлар, телефон сузлашувлари ёзиб олувчи компьютер дастурлари, шахсни тасдиқловчи қалбаки ҳужжатлар, сохта пуллар, шахсий маълумотлар ва, албатта, инсон органлари сотуви кенг йўлга қўйилганидан хавотирлик билдирган. Эндиликда 2012 йил февралига қадар ушбу ёт кўри-нишларга қарши кескин кураш олиб бориладиган бўлди. Унга кўра, тартиб-қоидага зид иш тутган веб-сайт эгалари жазоланади. Уларга тегишли телефон рақамлари, онлайн ҳисоб рақамлари ёпилади. Ушбу кампания доирасида қидирув тизимлари, электросавдо платформалари, онлайн блог ва форумлари назоратга олинди. Жамоат хавфсизлиги вазирлиги қонунбузарликлар бора-сидидаги муҳим маълумотларни тақдим этган шахслар моддий томонидан рағбатлантирилишини маълум қилган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Сув сатҳи кўтариладими?

АҚШнинг Колорадо штати университетининг Атроф-муҳитни тадқиқ қилиш бирлашган институти олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, аср охирига бориб дунёда сув сатҳининг кўтарилиши бир метрга етиши мумкин. Бу, айниқса, денгиз бўйида жойлашган мамлакатлар учун катта хавфдир.

Иқлим ўзгаришининг таъсирини ўрганиш институти доктори Стефан Рамсторфнинг қайд этишича, сув сатҳи 75 сантиметрдан 190 сантиметргача кўтарилиши мумкин. Буюк Британиялик олимлар томонидан тайёрланган ҳисоботда айтилишича, денгиз сатҳи 2,7 метргача кўтарилиши эҳтимоли бор. Мазкур фикрни БМТ қошида ташкил этилган иқлим ўзгаришини ўрганиш ҳукуматларо комиссияси ҳам тасдиқлаган. Тадқиқот натижаларига қараганда, 2100 йилга келиб сув сатҳи 59 сантиметр кўтарилиши мумкин. Уларнинг тахминича, кўлаб оролар, масалан, бугун қурорлари билан дунёга машҳур Малдив ороллари ҳам бутунлай сув тагида қолиши мумкин.

Муқобил усул

Япониялик олимлар томонидан озик-овқат маҳсулотлари қолдиқларидан ёқилги ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур усул анча аввал яратилганди, аммо амалиётга тўлиқ жорий этилмаганди. Маълумотларга кўра, қолдиқлар герметик идишга солиниб, устидан сув қўйилади. Сўнг босим оширилиб, қарийб 180 даражача қиздирилади. Ярим соатлик ишлов жараёни натижасида торфга ўхшаган ёнувчан модда ҳосил бўлади. Мутахассисларнинг айтишича, бир тонна ана шундай чиқиндидан 380 килограммгача ёқилги тайёрлаш мумкин. Ёқилгининг ўзига ҳосил шундаки, у ҳавога захарли газни ҳам чиқаради.

Иммунитетни ошириш учун

Германиялик олимларнинг айтишича, инсон мунтазам куёш нурида тобланиши лозим.

Зеро, куёш нури саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Узоқ муддат куёшда тобланган танада Д витамини миқдори ортади. Бу оқ қондончалари фаоллигини оширади. Натижада иммунитет яхшиланиб, касалликларга чалиниш хавфи камаюди. Олимларнинг фикрича, «куёш витамини» бўлмаса, организмдаги оқ қон дончалари вируслар олдида ожиз бўлиб қолади.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Прага дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан биридир. Дунё сайёҳлари бежизга уни «юз минорали марварид» деб аташмайди. Чунки, Марказий Европанинг ўн бир асрлик тарихини намоён этишчи меъморий ёдгорликлар айнан шу ерда сақланиб қолган. Чехия пойтахтининг Эски шаҳар (Саре Мнесто) қисмида бетакрор манзаралар ҳар қандай инсонни ром айлаши шубҳасиз. У ердаги маҳаллий аҳоли ўрта асрларда бунёд этилган майққа қараб соатларини тўғрилашаркан. Ажойиб боғларга туташиб кетган XIV асрга оид қасрлар эса бугунги кунда музейларга айлантирилган.

ТОШКЎПРИК ТАРИХИ

Ўрта асрларда мамлакатга ҳукмдорлик қилган император Карл IV даврида қурилган тошкўприк шаҳар ичидан оқиб ўтувчи дарёнинг икки қирғоғини бир-бири билан боғлаб турган. Бу кўприкдан не-не олимлар, савдогар ва сайёҳлар ўтмаган дейсиз. Чехлар Карлов тошкўпригида аллақандай сир-синаотлар бор, деб ўйлашади. Ҳатто, у ҳақда турли хил афсоналар ҳам мавжуд. Тарихий манбаларда қайд этилишича, XIV асрда қирол бу ажойиб иншоотнинг нумерологик тақвимини

тузишни буюрган. Бугунга қадар кўприкнинг бус-бутун туриши эса айнан ўша тақвимнинг тўғри тузилганидан далолат беради. Ушанда астрологлар юқори қисми тўққиз рақами билан туташган тоқ сонлардан иборат пирамида ҳосил қилишган (1, 3, 5, 7, 9, 7, 5, 3, 1). Шу боис, кўприк қурилиши 1357 йилнинг еттинчи ойи тўққизинчи санаси, соат 5 дан 31 дақиқа ўтганида бошланган.

МИЛЛИЙ МЕРОС

Чехияда салкам икки мингга яқин кўҳна қасрларни учратиш мумкин. Шундан икки юзтаси машҳур дворянларга қарашли

Ўтмиш ва бугунни боғлаган шаҳар

бўлиб, қасрлар ёз фаслида томошабинлар кириши учун очиб қўйилади. Махсус экскурсоводлар сайёҳларга тарихий ёдгорликлар ҳақида сўзлаб беришади. Бундан ташқари, сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, қаср боғларида шоҳона дастурхон атрофида саҳна кўринишлари ва рақс кечалари уюштирилади.

Прагада нафақат меъморий обидалар, балки бадий коллекциялар, мусиқа ва театр санъатига бағишланган музейлар ҳам ниҳоятда кўп. Пойтахтнинг энг машҳур «Прага Гради» музейидан меъморчилик санъати, ноёб картиналар галереяси, ўрта асрларга хос қирол саройлари тарихий қисми тўққиз рақами билан туташган тоқ сонлардан иборат пирамида ҳосил қилишган (1, 3, 5, 7, 9, 7, 5, 3, 1). Шу боис, кўприк қурилиши 1357 йилнинг еттинчи ойи тўққизинчи санаси, соат 5 дан 31 дақиқа ўтганида бошланган.

Энг йирик бадий коллекциялар Миллий галереядан жой олган. У ерда нафақат Чехия, балки Европанинг XX-XXI аср маданиятига ҳам жой ажратил-

ган. Дунёга машҳур усталарнинг ҳайкалтарошлик, меъморчилик ҳамда рассомлик санъатига доир ноёб дурдона асарлари ўрин эгаллаган. Машҳур чех усталари Альфонс Мух ҳамда Франтишек Купканинг асарлари ҳали-ҳануз томошабинни ҳайратта солиб келади. А.Мухнинг декоратив усули 1900 йили Парижда ниҳоятда оммаланиб кетади. Купканинг асарлари абстракт услубдаги тасвирий санъатнинг илк кўриниши ҳисобланади.

Бундан ташқари, шаҳар неча асрлар давомида муҳим савдосотик маркази бўлиб келган. Чехия музейларида унинг тарихига ҳам алоҳида урғу берилган. Прага университети эса Марказий Европадаги энг қадимги ўқув даргоҳи ҳисобланади.

КЛАССИК ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ САЊЪАТ

Машҳур композитор Вольфганг Амадей Моцарт бир пайлар «Мени прагалликлар яхши тушунишадими», деган эди. Ўша даврда



Моцартнинг ижоди ҳар бир прагалликнинг юрагидан чуқур жой эгаллагани сир эмас. Негаки, оддий одамлар ҳам кўча-кўйда унинг куйларини хиргой қилишдан ҳузурланишар эди. Унинг оламшумул «Дон Жуан» операси 1787 йили дунё бўйлаб катта муваффақият қозонган. Ҳозир ҳам бу асар Ставовск театри репертуаридан муҳим жой эгаллаб, севиб ижро этилади.

Антонин Дворжак, Леон Яначек, Богуслав Мартин Чехиянинг энг машҳур классик композиторларидир. Уларнинг мусиқалари ҳозирда мамлакатдаги ҳар бир концерт дастури, фестивал ва тадбирларида ижро этилади. Айниқса, аънанавий халқаро «Прага баҳори» фестивали мусиқавий беллашувларга айланиб кетади. Ҳозир ҳам Антонин Дворжак-

нинг мусиқалари хорижда ўз мухлисларига эга. Айниқса, «Янги олам» симфонияси уни янада машҳур қилган. Ўтмиш нафаси уфуриб турган Прага бугун замон билан ҳамнафас. У ҳақида дунё сайёҳларини ўзига чорлаб тураверади. Унинг халқи эса бой ўтмиши билан ғурурланиб яшайди. **М.ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**



Халқ тарихининг кўзгуси

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Музейга кирверишда Ўзбекистон харитасига кўзгиз тушади. 6 та тарихий даврдаги ёдгорликлар харитада ранглар ва рақамлар воситасида акс эттирилган. Икки ён тарафга жойлаштирилган, ёғоч ўймакор устлар томонидан ишланган XV-XVII асрга оид Самарқанд, Хива, Кўхон, Бухоро, Шахрисабз устунлари қадимдан юртимизда хунармандчилик ривож топганлигидан гувоҳлик беради.

Селунгур — Марказий Осиёда энг қадимги одамлар манзилгоҳи. Фаргона вилоятининг Селунгур қишлоғидан топилган қадимги тош қуроллари, Тошкент вилоятининг Қўлбулоғидан топилган меҳнат қуроллари (м.ав. 650 минг й.), Сурхондарё вилоятининг Тешиктош горидида тошдан асалган меҳнат қуроллари (м.ав. 100 минг й.) музей экспозициялари қаторидан ўрин олган. Уларни томоша қиларкансиз, қадимда аждодларимиз қай шароитда яшаганликларини, улар ҳаётлари давомида қандай меҳнат қуролларидан фойдаланганликларини кўз ўнгингизда акс этади. Гўё. Мозий билан тиллашгандек бўласиз.

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейига 2003 йил февралда ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Ислам Каримов залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан фикрларини айтиш, қатор таклифларни билдирган эдилар. Шу билан бирга ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассис, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон ахли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукамал бўлиши зарурлигига эътибор қаратган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги қарорига мувофиқ мустақил илмий тадқиқот муассаса сифатида қайта ташкил этилган бу масканга 1994 йил 5 августдаги қарорга биноан Давлат музейи мақоми берилди, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Авалло кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий билимларнинг дастлабки манбалари, тарихий ёдгорликлар коллекцияларини тўплаш, уларни амалдаги мавжуд йўриқномалар ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, қайта таъмирлаш, уларни илмий асосда ўрганишда жаҳон фани ютуқларидан фойдаланиш, умумлаштириш, амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш, коллекциялар ҳисобини олиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Қолаверса, ўзбек халқининг қадимги даврдан то шу кунгача бўлган тарихий тараққиёт йўлини, жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорликлар ва топилмалар асосида доимий кўргазмалар таш-

кил этиш, хорижий мамлакатларнинг илмий муассаса ва музейлари билан ҳамкорлик қилиш уларнинг иш тажрибасини ўрганиш, илмий муаммолар, вазифалар ёки мавзулар бўйича халқаро, республика илмий анжуманларини ташкил этиш ҳамда чет элларда музейшунослик мавзусида ўтказиладиган халқаро анжуманларда иштирок этиш, илмий кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ходимлар таркибини истеъдодли олимлар, ёш илмий ходимлар билан доимо тўлдириб бориш сингари яна қатор вазифалар юқланди.

Мустақиллик йилларида музейда бир қанча каталоглар, йўлқўрсаткич, буклетлар, монографиялар нашр этилди. Музей экспозицияси ва фонди материаллари асосида веб-сайтлар яратилиш, кўргазмалар ташкил этиш, мавзули тадбирлар ўтказиш йўли билан ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, халқимизнинг маданий ёдгорликлари ва асрлар давомида олиб борган яратувчилик ишларини тарғиб этиш бўйича мунтазам иш олиб боришмоқда. Музей фондларида 250 мингдан ортиқ экспонат жамланган. Шундан 60 минггача археологияга, 80 мингдан зиёди нумизматикага ва 16 минггача этнографияга доир. Музейда 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги экспозицияси 2003 йилда ўзбек халқининг тарихи ва унинг давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида яратилган бўлиб, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган даврини акс эттиради. Шунга асосан энг қадимги замонлардан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудларида кечган тарихий-маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши, бу ерда шаклланган цивилизациянинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни, аҳамиятини акс эттиришни мақсад қилиб қўйган. Музей экспозицияси ўзида турли қаратган эдилар.

Юртбошимизнинг музейга ташрифи чоғида билдирган фикр, мулоҳазалари ва йўл-йўриқлари музейда қайта бориладиган ишлар, музей экспозициясини такомиллаштиришнинг истиқбол режалари учун асос қилиб олинди ва улардан дастур сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Музейнинг илмий экспозицион фаолиятининг йўналишларидан яна бири муваққат ва кўча кўргазмалар тайёрлашдир. 2003-2008 йиллар мобайнида 30 га яқин кўргазмалар тайёрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мақтаб вақтимизда ўқиб, расмини қизиқиб томоша қиладиган Неандертал бола шакли. Милoddан 100 минг йил аввал яшаган ва Сурхондарё вилоятининг Тешиктошидан топилган неандертал одамнинг бош суяги, қиёфаси, уни қўмиш жараёни экспонатда жойлаштирилган суратда акс этган.

Қадимги одамларнинг тишлари, бош чаноғи, суяги улар қандай шаклда, қандай рангда бўлганини кўришимиз мумкин. Навоий вилоятдан топилган сопол идиш (м. ав. V минг й.), Неолит даврига оид ҳумча ўша даврлардаёқ кулолчилик тараққиёт этганини билдиради.

Неолит янги тош даври (м.ав. 6-4 минг й.)даги найза ўқларининг тош уқликлари, тош кўчкилар, чақмоқтош қазиб олишда ишлатилган қуроллар аждодларимиз нечоғли меҳнатсевар бўлганликларидан далолат беради, Сурхондарё вилоятининг Сополиттепа қишлоғидан топилган тошдан асалган тақинчоқлар (м.ав. XVII-XV аср), бронзадан ишланган кўзгу ва тўғноғичлар (м.ав. XVII-XV асрлар), сопол ва ёғоч буюмлари (м.ав. XVII-XV аср) уларнинг ақл-идроқи, зехни тараққиотидан сўзлайди.

Маълуки, Ўзбекистон ҳудуди бронза даврида (м.ав. III-II м.й.) Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин тутди. Фаргона водийсидан топилган илон шаклидаги тош турмор (м.ав. II м.й.), Сополиттепадаги 60 ёшли аёл кишининг қабри (м.ав. XVII-XV аср.), уни қўмиш жараёни акс эттирилган экспонатлар шу даврнинг ноёб топилмалари ҳисобланади.

Жарқўтондаги оташпарастлар ибодатхонасининг қайта тикланган кўриниши, уй-рўзгор буюмлари ва қуроллари (XV-XVII аср), ҳужмдорлик нишонлари, сопол ва бронза идишлар, оёқли кўзаларни ясаш тақомиллашгани Ўзбекистон жанубида шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Қадимда танга зарб этилмасдан аввал унинг ўрнида чиганоклардан фойдаланилган ҳақида билишимиз? Илк тангалар, идишлар, уй-рўзгор буюмлари, турли даврларга оид экспонатлар ўша даврда инсоният тараққиётининг янги маррасига қадам қўйганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги буюк маданий мероси экспозицияда алоҳида ўрин эгаллаган. Айниқса, Амир Темура ва те-



ЎЗЛИК

мурийлар даврига бағишланган бўлимда соҳибқирон бобомиз ҳаёти ва фаолияти, айна шу даврдан ҳикоя қилувчи кўлаб экспонатларни кўриш мумкин.

ҲАЙРАТ

“Музейдан катта таассурот билан қайтпман. Бу ерда вақтимни чоғ ўтказдим. Бу маскан ижодкорларига ташаккур”.
Янг Янг-Сик (Корея Миллий этнография музейи)

Музейнинг ўнг томонидаги мўъжазгина уйчага кирсангиз, ўзингизни Корея хонадонига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Ўзбекистон тарихи давлат музейи Корея Республикаси Миллий этнография музейи билан ҳамкорликда «Кореянинг анъанавий маданияти» номли кўргазмани ташкил қилганга кўп вақт бўлгани йўқ. Ушбу кўргазма Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп асрлик маданий ҳамкорлик алоқалари давом этаётганлигининг исботи дейиш мумкин.

2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихи давлат музейи Корея Республикаси билан маданий алоқаларни ривожлантириб келмоқда. 2009-2010 йилларда Корея Миллий музейида “Ўзбекистоннинг қадимги маданияти” номли кўргазма ташкил этилган. Музей ходимлари 2007 йил Сеул шаҳрида, 2008-2009 йилларда Корея Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги дастури бўйича ўтказилган халқаро конференцияда ўз маърузалари билан қатнашди. Бу йил эса Ўзбекистон тарихи давлат музейи Корея Республикаси Миллий этнография музейи билан ҳамкорликда ўзаро илмий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки томонлама шартнома тўзди.

Кўргазма сўнгги техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда яратилган бўлиб, бу ерда сенсор кнопоклар орқали корейс удумлари ва миллий либослари ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Бундан ташқари катта экранда намоиш қилинувчи фильмда Корея манзаралари ва унинг архитектураси ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Кўргазма залида корейс услуби бўйича ишланган уйлардаги хона (интерьер)лар томошабин эътиборини жалб қилади. У ерда кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, аёл ва эркакларнинг тўп тантаналарида кийиладиган миллий либослари (ханбок) намоиш этилган. Шу билан бирга корейлик машхур усталар томонидан қозғондан ясалган ўнлаб кўйирчоқлар ҳайратингизни ошириши шубҳасиз.

Кўйирчоқлар ягона композицияга эга бўлиб, корейс миллий таомни ҳисобланмиш “кимчи” тайёрлаш жараёнини ўзида акс эттиради.

“МУЎЖИЗАЛАР ОЛАМИ”

“Музейга қайта келганимдан хурсандман, чунки яна кўп ангилликларга гувоҳ бўлдим”.
Аббос Каримов (Ўзбекистон)

Ҳозирги кунда ёш авлод тарбиясида музейлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабаб XX аср бошларидан бутун дунёда болалар музейини ташкил этиш ишлари бошланган. Кейинги йилларда болалар музейининг турлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида очилган махсус музей болаларнинг инсоният тарихи ва табиғат бўлган қизиқлигини орттиради. Кичик ёшдан бошлаб уларнинг дунёқарашини шакллантириб, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятини яратди.

—Музейда “Ёш археологлар”, “Ёш кулол”, “Ёзув тарихи” ва “Ўзбекистон неъматлари” бўлимлари мавжуд, дейди музей директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. — Масалан, “Ёш археологлар” бўлимида болалар археологияга оид материалларни кўришлари мумкин. Энг қизиқ томони, кичкинтойлар тарихининг қадимги даврларига саёҳат қилиш имконига эга бўлади. Қадимий тангаларни излаб топишлари, тангадаги ҳужмдор номи ва даврини аниқлаш, аждодларимиз фойдаланган энг қадимги меҳнат қуролларини ушлаб кўришлари мумкин. Бундан болалар тош, бронза, антик ва ўрта асрлардаги тарихимиз ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлади. “Ёш кулол” бўлимида эса ўзлари мустақил равишда уста кулол ёрдамида истаган буюмларини ясайдилар.

“Ёзув тарихи” бўлими эса қадимий ёзув турларига қизиқувчи болалар учун маҳорат мактабини ўтайди. Болажонлар оромий, сўғд, грек, араб ва бошқа ёзувлар билан танишишлари, ўзлари ҳам ушбу ёзувларни ёзиб кўришлари мумкин. “Ўзбекистон неъматлари” бўлими эса юртимизнинг бой табиати, ноз-неъматлари ва сабзавотлари ҳақида “сўзлайди”. Юртимизда илк мартаба очилган болалар музейида махсус кутубхона ташкил этилган. Бу каби музейлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юрити олишлари, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик, асосийси, ўз моддий-маданий меъросларини асраш туйғуларини шакллантиришда муҳим манба бўлиб қолмоқда. “Муъжизалар олами” кичкинтойларнинг қизиқлиги ва талабларини қондирувчи, тарих билан юзма-юз, эркин мулоқотга киришига имкон берувчи ягона мўъжизавий маскандир. Бу ерда болалар оила аъзолари билан ташриф буюрадилар. Келгусизда мазкур музейни янги бўлимлар билан бойитиш, нафақат юртимиз, балки ўзга давлатлар ҳақида ҳам маълумот берувчи масканга айлантириш кўзда тутилган.

Музей хорижда ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тарихи, маданий меросини тарғиб қилиб келмоқда. Айниқса, АҚШ, Япония, Корея, Малайзия, Германия каби давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда музей экспонатлари алоҳида аҳамият касб этди. Мустақиллик, будаврда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, илк машинамиз, спортчиларимизнинг дастлабки ютуғи, китобларимизнинг турли тилларга таржима қилинган нусхаси — буларнинг бари ҳақида “Мустақил Ўзбекистон — овоз ва обод Ватан” бўлимида маълумот олиш мумкин. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Улуғ ва бетакдор тарихга эга бўлган Ватанимизни келажаги, албатта, буюк бўлажак, иншооллоқ!”

Адиба ФАЙЗ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.
Ёлгончидан ордир оқиллар иши,
Ёлгончини одам демас ҳеч киши.

БИЛАСИЗМИ?

Мириқиб кулиш чоғида инсоннинг 17 та мушаги “ишлайди”.

Инсон ДНКси одатда 80 000 генни ўзида сақлайди.

ТУРФА ОЛАМ

Мода тарихи кўргазмаси

ВИКТОРИЯ ВА АЛЬБЕРТ МУЗЕЙИДА (ЛОНДОН, Б.БРИТАНИЯ) ДУНЁ МОДАСИ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ЛИБОСЛАР КЎРГАЗМАСИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.


Келаси йилнинг ёзида ўтиши кутилаётган кўргазмага ҳозирданоқ ташкилотчилар жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Ҳозирча улар томонидан тўпланган либослар сони 60 тага етган. Ушбу либосларнинг бари дунёга машхур модельер ва дизайнерларга тегишли. Қолаверса, кўргазмада Англия қироличаси Елизавета II учун тикилган кийим-кечаклар ҳам намоиш этилиши кўзда тутилган.



Астрономик боғ

РЕН (ГЕРМАНИЯ) ШАҲРИ МАЪМУРИЯТИ “ЮЛДУЗЛИ БОҒ” ҚУРИЛИШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ.


Манбада келтирилишича, боғ учун шаҳарнинг энг чекка, тоғли худудидан жой ажратилган. Сабаби, бу ердан юлдузларни кузатиш анча қулай экан. Қурувчилар айтилган мuddатга улгуришса, боғ 2012 йилдаёқ фойдаланишга топширилади. Шаҳар маъмурияти вакили Майкл Гейернинг таъкидлашича, боғ эшиклари нафақат моҳир астрономлар, балки барча қизиқувчилар учун бирдек очиб қўйилади. Кейинроқ эса дунё сайёҳларини жалб этиш мақсадида махсус сайёҳлик дастури ишлаб чиқиши мумкин экан.



Энг энгил материал

АҚШЛИК МУҲАНДИСЛАР ГУРУҲИ ДУНЁДАГИ ЭНГ ЭНГИЛ МАТЕРИАЛНИ КАШФ ЭТИШДИ.

Мазкур материал пенопластдан 100 марта энгил бўлиб, юқори даражадаги энергосингидрувчанлик хусусиятига эга экан. Янги материал кўринишдан майда металл найчага ўхшайди ва ундан ўзига хос микротўр ҳосил қилинади. Унинг зичлиги бир куб сантиметрга 0,9 миллиграммни ташкил этади. Бу оғир металл ичида ҳозирга қадар энг энгили ҳисобланган чақмоқтошли аэрогелдан анча энгил эканини англатади. Мутахассисларнинг айтишича, янги микронайчанинг 99 фоизи ҳаводан, қолган 0,01 фоизи қаттиқ моддадан таркиб топган.



Самимий табассум

ЕВРОПАЛИК ОЛИМЛАР ТАБАССУМНИ КАНДА ҚИЛМАЙДИГАН ИНСОН БИОЛОГИК ЁШИГА НИСБАТАН АНЧА ЁШ КЎРИНИШИНИ АНИҚЛАШГАН.

Бироқ, табассум самимий бўлиши лозим. Шундагина олимлар айтганидек инсон, айниқса, аёллар анча ёш кўринишаркан. Бундай ҳулосага келиш учун соҳа мутахассислари бир нечта тадқиқот ва кузатувлар олиб боришган. Улар кўнгилчилардан иборат гуруҳ аъзоларини жиддий ва қувноқ қиёфада суратга олишган. Сўнг, суратлар айнан уларнинг ўзига изоҳлаш учун тарқатилди. Қизиги, аксарият кўнгилчилар жиддий қиёфадаги инсонларга ўзининг ёшидан анча катта ёш беришган. Аксинча, табассум билан тушган инсонларни ёшартириб юборишган. Шундан келиб чиққан олимлар самимий табассум инсонни ёшартириш хусусиятига эга, деган ҳулосага келишган.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Тошкент вилоят матбуот ва ахборот бошқармасидан Маҳкамов Мирҳайт Баҳрамджоновичга 2007 йил 02 апрелда берилган JZ 125719 рақамли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1119, Адади — 3727. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. **Набатчи муҳаррир:** Исмаил ХУДОЕВ **Набатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: milliyat@sarkor.uz **Бошига топшириш вақти:** — 21.00. **Тошқирлиди:** — 22.10.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Муҳаммадхон КУРОНОВ, Фахружон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЕВОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бosh муҳаррир: Жалололдин САФОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бosh муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй